



Абдуллох ибн Амажур ат-Туркий ва унинг ўгли Абу Хасан Али фаргоналик фалакиётчи олимлардан бўлиб, бизнинг илмий адабиётларда уларнинг ҳаёти, фаолияти ва мероси ўрганилмаган. Ибн ан-Надим ва Ибн ал-Кифтийлар ўзларининг «ал-Фихрист» ва «Ҳақимлар тарихи» китобларида бу олим ҳақида шундай деб ёзадилар: «Абу ал-Косим Абдуллох ибн Амажур ал-Харавий Фаргона халқи фарзандларидан. У замонасининг фозил ва ўз ўрнига эга уламоларидан бўлган. Олим «Хатолардан ҳолис зиж китоби», «Боглаб турувчи зиж китоби», «Гаройиб зиж», «Ўтишлар зиж», «Синдхинд зиж», «Кулнинг зиж», «Мусофирга фойдали китоб», «Форс эраси бўйича Миррих (Марс) сайёраси учун зиж» каби асарларнинг муаллифи саналади. Шу билан бирга юқоридаги манбаларда олимнинг Абул-Хасан Али ибн Абул-Косим исмли ўгли бўлиб, унинг ҳам фалакиётга кизиқкани ҳақида маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, Ибн ал-Кифтий Амажур оиласига тегишли яна учинчи шахс, яъни Али ибн Амажурнинг астрономик кузатиш ишлари билан шугулланганини эътироф этади. Абул-Хасан Алининг кулликдан озод этилган ёрдамчиси Муфлих ибн Юсуфнинг ота-ўғил Амажурлар билан 885-933 йиллар давомида олиб борган йирик астрономик кузатув ишлари, Амажур оиласининг фалакиётга катта ихлос қўйганидан далолат беради. Туркиялик тадқиқотчи Ойдин Сайили «Амажур» оиласи ҳақида гапирар экан, бу оила Дамашқда 877-878 йили вафот этган турк амирининг исмидан келиб чиққан ва юқоридаги астрономларнинг барчаси шу оиллага мансуб бўлиши керак, деган тахминни билдиради. Аммо у Ибн ан-Надим ва Ибн ал-Кифтийларнинг «Абул-Косим Абдуллох ибн Амажур Фаргона халқининг фарзандларидан» деб эътироф этган иборасига етарли даражада ўз эътиборини қаратмайди. Ўрта асрларнинг йирик астрономларидан Ибн Юнус ас-Садафий (950-1009) ҳам, олимга нисбатан унинг туркий насабдан эканини

англатувчи ат-Туркий сўзини кўшиб ишлатади. Ўйлаймизки, келтирилган маълумотлар олимнинг араб халифалигининг шаркий ерларидаги Фаргонадан эканига далил бўла олади.

Ибн Юнус ас-Садафий рисоаларининг бирида, Ама-журлар томонидан амалга оширилган Куёш ва Ойнинг тутилиши ва баъзи сайёраларни кузатиш тажрибаларини баён этади. У келтирган маълумотларга караганда, олимлар баландликда жойлашган ва тўрт томонни кузатиш имконига эга бўлган махсус масканга эга бўлганлар. У ерда маълум белгиланган йўналишни кўрсатишга имкон берувчи, кузатиш ишларига мўлжалланган махсус узун туйнук ҳам мавжуд эди. Демак, бинода илмий изланишлар учун зарур кулайликлар яратилган. Абдуллох ибн Амажур 928 йилнинг 18 августида-ги Куёш тутилишини баён этар экан, ўзи ишлатган бир жихоз устида тўхталиб ўтади. У ушбу тажриба-ни куйидагича баён қилади: «Мен Куёш тутилишини ўғлим Абул-Хасан ва Муфлих билан бирга кузатдим. Куёш ўзи тутилган юзасининг чорагидан камрок микдорга кўтарилди ва хатто Куёш юзасининг тўртдан бир қисми қораймагунча унинг тутилиши сезиларли даражада ортмади. Биз Куёшни сувда, соф ва махсус усулда кузатдик. Нихоят, Куёшнинг қисмлари тути-лишдан тўхтаб, унинг диски сувда ўзининг тўлалигича намоён бўлганидан сўнг, биз Шарк томонда унинг баландлигини 12 даража ва минус бир даражаси учга бўлинган жихознинг бўлинма чизигининг учдан бир қисмида эканлигини, яъни жихознинг 12 даража ми-нус бир даражасининг тўққиздан бири эканлигини кўрдик».

Ибн Юнус келтирган бу парчадан маълум бўладики, Абдуллох ибн Амажур ат-Туркий, унинг ўғли ва ёрдамчиси Муфлих ибн Юсуфлар Куёш тутилишини кузатиш жараёнида ўн икки даража ва бир даражанинг тўққиздан бирини кўрсатиб берган жихоздан фойдаланганлар. Жихознинг бир даражанинг тўққиздан бир қисмини аниқлаш имкониятига эга эканлиги, унинг мукаммал мослама бўлганини кўрсатади.

Амажурлар Куёш, Ой, тургун юлдузлар ва сайёраларнинг кузатиш билан боғлиқ тажрибаларини, асосан Бағдод ва қисман Шероз каби шаҳарларда олиб борганлар. Баъзан олимнинг исмида учрайдиган ал-Харавий («хиротлик») нисбасидан, олимнинг Хирот шаҳрида ҳам фаолият кўрсатган, деб тахмин қилиш мумкин. Албатта, юқоридаги тажрибаларни амалга ошириш ўз моҳиятига кўра узок муддатни талаб этган. Шунинг учун ҳам баъзи адабиётларда мазкур алломалар ўз тажрибалари устида эллик йилга яқин ишлаганлар, деб кўрсатилади.

Амажурлар ўз тажрибаларининг натижаси сифатида, юқорида номлари зикр этилган қатор астрономик рисоалар ва жадвалларни яратганлар. Бу асарларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган, лекин муаллифларнинг икки кўлёзма асари Париж ва Лейден кутубхоналарида сақланади ва улар куйидагилардан иборат:

1. «Сайёраларнинг тутилиши ва боғланиши ҳақида астрологик олдиндан айтиб беришлар мажмуаси». Рисола Париж ва Лейденда сақланади2.

2. «Тайласан зижи». Бу кўлёзма факат Парижда сақланиб қолган. Араблар бўйинини Куёш нуридан химоя қилиш мақсадида салла устидан бошлаб, елкагача ташлаб юриладиган рўмолни «тайласан» деб аташади. Шу сабабдан муаллифнинг рисоласи «Рўмол зижи» деб таржима қилинади. Бу зиж ҳозирга қадар ўрганилмагани сабабли, унга нима мақсадда бундай ном берилгани аниқланмаган.

Манбаларда Абдуллох ибн Амажур ат-Туркийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Шунинг учун ҳам унинг яшаган даврини IX-X асрлар, деб қабул қилинади.

Бахром Абдухалимовнинг
"Байт ал-Хикма" китобидан